

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
05.04.2000 й.
N 916**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН
(2000 йил 22 февралдаги
3/6-сон Баённома)
466-СОН БИЛАН
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Марказий банк томонидан тижорат
банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига
қўйиладиган талаблар тўғрисида
НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар
2. Тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатлари матни баёнига қўйиладиган талаблар
3. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, унга ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш
4. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга соладиган ички меъёрий ҳужжатларига талаблар
5. Яқуний қоидалар

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Фуқоролик кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига Марказий банк томонидан қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

1.2. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банк амалиётларини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари доирасида амалга оширишнинг батафсил, аниқ тартибини ўрнатиб, мазкур банк раҳбарлари ва ходимлари учун ижро этилиши мажбурий бўлган қўлланма вазифасини бажаради.

1.3. Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, улар ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

1.4. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банкларда самарали ички назорат тизимини яратиш, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликни самарали

бошқариш (таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, кузатиш)ни, хавфсиз ва соғлом банк фаолиятини юритишни, банк қонунчилигига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш ва банк операцияларини амалга оширишни қулайлаштириш мақсадида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

1.5. Тижорат банклари ўз ваколатлари доирасида фақат мазкур банк учун мажбурий характерга эга бўлган ички меъёрий ҳужжатларни низом, йўриқнома, кўрсатма, тартиб, қоида, буйруқ шаклида қабул қиладилар.

1.6. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари амалда белгиланган тартибда банк кенгаши ёки банк Бошқарувлари томонидан тасдиқланади.

1.7. Тижорат банки ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидалар уларнинг миждозлари билан тузилган шартномаларда кўрсатиб ўтилган тақдирдагина, миждозлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлади.

1.8. Банк ички меъёрий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мос келиши бўйича жавобгарлик банк кенгаши ва банк бошқаруви зиммасига юкланади.

2. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ МАТНИ БАЁНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Тижорат банклари ишлаб чиққан ички меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ бўлиши ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб бериши шартдир.

Тижорат банклари меъёрий ҳужжатларида фуқароларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига зид нормалар белгиланишига йўл қўйилмайди.

2.2. Ички меъёрий ҳужжатда мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг қайси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайси қарори ёки меъёрий ҳужжати (уларнинг моддалари ёки бандлари)ни бажариш юзасидан ёки улар асосида чиқарилаётганлиги кўрсатилиши шарт.

2.3. Ички меъёрий ҳужжатнинг тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш мавзусининг мантиқан ривожланиб боришини, шунингдек бўлажак ҳужжатнинг бир мазмунда тушунилиши ва амалда қўлланилишини таъминлаш лозим.

2.4. Ички меъёрий ҳужжат, унинг мазмунига мос келувчи қисқача номга эга бўлиши, мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳужжат алоҳида сарлавҳали боб, бўлим ва бандларга бўлиниши ҳамда рақамланиши лозим.

2.5. Ички меъёрий ҳужжатдаги қоидалар адабий тилда аниқ ва равшан баён қилинган бўлиши лозим. Турлича шарҳлаш имкониятларини истисно қилиш мақсадида ички меъёрий ҳужжатда ишлатилаётган тушунча ва иборалар уларнинг амалдаги қонунчиликда қабул этилган маънолари билан бир хил шаклда қўлланилади.

Зарур ҳолларда, махсус иборалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи бериб ўтилади, умум томонидан қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади. Бунда эскирган ҳамда кўп маъноли сўзлар ва сўз бирикмалари, нисбий ўхшатишларни ишлатиш мумкин эмас.

2.6. Ички меъёрий ҳужжатда амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларида белгиланган нормаларнинг сўзма-сўз қайтарилишига йўл қўйилмайди. Ички меъёрий ҳужжатларни матнда амалдаги қонун ҳужжатларига ҳавола этишга истисно тариқасидагина рухсат этилади.

Мазкур ички меъёрий ҳужжатнинг бошқа бандларига, шунингдек Марказий банк ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳавола қилишга фақатгина уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш ёки тақрорлашларга йўл қўймаслик мақсадидагина йўл қўйилади.

2.7. Ички меъёрий ҳужжатнинг ҳар бир банди битта меъёрий қоидадан иборат бўлиши ҳамда ҳар бир алоҳида банд тўла ва тугалланган мазмунни ўз ичига олган бўлиши керак.

2.8. Агар ички меъёрий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, схемалар, ҳужжат ва бланкалар намуналарини келтириш зарурати бўлса, улар, қоидага кўра, иловаларда жойлаштирилади. Зарур ҳолларда ички меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандларига уларга ҳавола этилади.

2.9. Ички меъёрий ҳужжат қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

- ҳужжатнинг тартибга солиш предметини ёритувчи қисқача номи ва ҳужжатнинг тури;
- ҳужжатнинг қабул қилган банк бошқаруви органи қарори рақами ва санаси;
- ҳужжатнинг рўйхат рақами;
- мазкур банкнинг муҳри билан тасдиқланган ҳамда банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоларининг имзолари.

3. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАСДИҚЛАШ, УНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

3.1. Ички меъёрий ҳужжатлар банкнинг тегишли таркибий бўлинмасида ишлаб чиқилганидан сўнг, банкнинг юридик хизмати томонидан, ушбу ҳужжатнинг амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва бу борада юридик хулоса тайёрланиб, тегишли йиғма жилдларга тикиб қўйилади.

Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари уларнинг амалдаги қонунчиликка ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида юридик хизматнинг хулосаси ва розилик имзоси (визаси) бўлмаса, қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

3.2. Ички меъёрий ҳужжат, агар унда бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, банк кенгаши ёки банк бошқаруви томонидан тасдиқланган куннинг эртасидан амалга киритилади.

3.3. Тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш банкнинг тегишли бошқарув органлари (банк кенгаши ёки банк бошқаруви)нинг қарори асосида киритилади. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар асосий меъёрий ҳужжат

расмийлаштирилган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

3.4. Тижорат банки ички меъёрий ҳужжатига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларида ўзгаришлар юз берса ва унда муддат белгиланмаган бўлса, банк, бир ҳафта муддат ичида ўзининг меъёрий ҳужжатига тегишли ўзгартириш киритиши шарт.

3.5. Марказий банк томонидан банк назоратини амалга ошириш жараёнида тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилади.

Ўрганиш давомида тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига зид бўлган ёки уларнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаслик ҳоллари аниқланган тақдирида, Марказий банк ушбу ички меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бекор қилиш тўғрисида тижорат банклари кенгашлари ёки бошқарувларига ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма тақдимнома берадилар.

Тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг ушбу тақдимномалари, уларда белгиланган тартибда ижро этилмаган тақдирда, Марказий банк “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддаси асосида белгиланган тартибда жарима ундириш ёки ушбу ички меъёрий ҳужжат билан тартибга солинадиган банк операциясини амалга оширишни вақтинча чеклаб қўйиши мумкин.

3.6. Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатлари банкнинг қайси бошқарув органи томонидан тасдиқланган бўлса, мазкур бошқарув органининг тегишли қарори билан бекор қилинади.

4. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИГАН ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИГА ТАЛАБЛАР

4.1. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Марказий банкнинг Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 905-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом (янги таҳрири)” ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 906-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бўлиши шарт.

4.2. Ҳар бир тижорат банки кредит операцияларини амалга оширишни тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва улар алоҳида ҳужжат кўринишида банк бошқаруви томонидан тасдиқланиши лозим.

4.3. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларида берилаётган кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги, муддатлилиги ва мақсадли ишлатилиши шартлари белгиланиши керак.

4.4. Кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларда қуйидаги асосий талаблар ўз аксини топиши лозим:

- қарз олувчи томонидан банкка тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги мезонлари ва кредитга лоёқатлилиги

даражасини аниқлаш методикаси;

- кредитнинг қайтарилиши таъминоти сифатида банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган таъминот турлари;

- таъминот турларининг ликвидлилигига банк томонидан қўйиладиган талаблар.

4.5. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларида банклар томонидан ўз миқдорларига ишончли (бланкали) кредит бериш шартлари албатта кўрсатиб ўтилиши лозим.

4.6. Тижорат банкларининг кредит операцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларида банклар томонидан қарз олувчиларнинг кредит аризаларини рўйхатга олиш китобларини юритиш тартиби ва кредит аризаларини кўриб чиқишининг аниқ белгиланган муддатлари белгиланган бўлиши шарт.

5. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Тижорат банкларининг меъёрий ҳужжатлари Марказий банк томонидан тасдиқланмайди ёки келишилмайди ва рўйхатга олинмайди.

5.2. Тижорат банклари томонидан тегишли ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги ёки улар ушбу Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги, шунингдек ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмаганлиги хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти юритилиши сифатида баҳоланади ва бундай банкларга нисбатан Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 53-моддасига белгиланган тартибда тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Мазкур Низомнинг амалга киритилиши муносабати билан Марказий банкнинг 1997 йил 28 февралдаги 315-сонли “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни келишиш, ҳисобга олиш ва амалга киритиш тартиби” ўз кучини йўқотади.

